



**“БОЛАЛАР КИТОБИ”**

**II**

**РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ**

*Пресс-релизи*

**Тошкент – 2015**

## **“БОЛАЛАР КИТОБИ” II РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ**

### ***Пресс-релиз***

***Тадбирни ўтказиш кuni ва вақти:*** 17-19 сентябрь, 2015 йил

***Тадбирни ўтказиш жойи:*** Тошкент (Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, “Туркистон” санъат саройи), Нукус шаҳарлари, барча вилоятлар марказлари.

***Тадбир ташкилотчилари:*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўмагида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди.

***Тадбирнинг мақсади ва мазмуни:*** “Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!” шиори остида ўтказилаётган “Болалар китоби” II республика фестивалидан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг маъно-моҳиятини ҳамда болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришга, кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш;

– ўсиб келаётган авлодни миллий мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, ёшларнинг миллий адабиётга бўлган қизиқишини, китобга бўлган хурматини ошириш ҳамда китобхонлик ва мутолаа маданиятини янада шакллантириб боришга ҳисса қўшиш;

– болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадий жихатдан етук адабиётлар салмоғини кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлашдир.

“Болалар китоби” II республика фестивали нафақат пойтахтда, балки бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам ўтказилмоқда.

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2015 йил 1 июль ҳолатига кўра, 111 та нашриёт, 1650 га яқин матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 3,0 минг номдан зиёд, умумий**

**адади 45 млн. нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда.** Эллиқдан ортиқ нашриёт болаларга бағишланган ноширлик маҳсулотларини чоп этиб келмоқда. Бугун юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган нашрлардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги “2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида” 75-сон қарори доирасида ўтган йилларда **ўзбек адабиёти; жаҳон адабиёти; мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аجدодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликларига бағишланган китоблар ва плакатлар; энциклопедик адабиётлар** йўналишларида сара китоблар нашр этилиб, ўқувчилар кўлига етказиб берилди.

Бундан ташқари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази томонидан **“Камолот кутубхонаси”** рукнида **2013-2015 йилларда 70 тага яқин ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вакиллари**нинг асарлари нашрдан чиқди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи **“Ўзбек адабиёти хрестоматияси”** рукнида мактаб дарсликларига киритилган ўзбек ва жаҳон адибларининг 44 номдаги асарларини нашр этишни бошлади.

“Болалар китоби” II республика фестивалида юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Байрам кунларида иштирокчи нашриётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган 200 дан зиёд номдаги янги китобларининг тақдимотлари, Халқ шоирлари ва ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш ижодкорларнинг ижодий учрашувлари ва мушоиралар, ўнлаб таниқли ва ёш-истеъдодли адиб ва шоирлар ҳамда ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтади.

Сайл тарзида ташкил этилган фестиваль доирасида Маданият ва истироҳат боғининг турли ҳудудларидаги махсус майдончаларида иштирокчи-нашриётлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларда нашр этилган асарлари кўرғазмаси, нуфузли халқаро китоб кўрғазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблар тақдимотлари ташкил этилади.

Тадбирларда “Энг яхши ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Менинг биринчи китобим”, “Атроф олам муҳофазаси – саломатлик

гарови”, “Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб”, “Китоб – энг яхши совға”, “Менинг биринчи китобим” мавзуларида совринли интеллектуал ўйин ва викториналар, “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилади.

Шу билан бирга, нашриётлар томонидан “Болаларга китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар” номли флайерлар тарқатилади.

Болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар томонидан сўнгги йилларда нашр этилган болалар адабиёти, жумладан, мумтоз ва энг сара замонавий адабиётлар, айниқса, ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик луғат ва маълумотномалар намойиши ва эркин савдоси уюштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан жалб этилган Республика ёш томошабинлар театри, Республика Давлат кўғирчоқ театрининг спектаклларида саҳна кўринишлари, куй ва кўшиқлардан тузилган концерт дастурлари намойиш этилади.

**“Болалар китоби” II республика фестивали доирасида “Туркистон” саройи саҳнасида фестивалга бағишланган алоҳида сценарий асосида тантанали концерт бўлиб ўтади.**

“Болалар китоби” II республика фестивалида пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари соҳада фаолият юритаётган етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазма стендларни томоша қиладилар. Шу билан бирга, боғнинг турли жойларига ўрнатилган телемониторларда нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи ҳамда китобхонлик маданияти тарғиботига бағишланган видеолавҳалар намойиш этилади.

***Ташкилий қўмита.***

***Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***

***Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,***

***Тел.: 244-23-72, 244-32-33.***

***[www.api.uz](http://www.api.uz)***